

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА СИФАТИДА

Аноркулов Ж., Рахимов Н., ГулДУ талабалари

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз миллий тили, маданияти, кадриятлари, тарихини билишга, ўзлигини англашга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, «Ўзбекистон тарихи»ни ҳаққоний ёритишга алоҳида эътибор берила бошланди. Ҳаққоний деб айтишимизга сабаб «собик шўролар» даврида бир неча юз минг йиллик тарихимиз буюк аجدодларимиз ҳаёти фақат ўша давр мафкураси руҳида салбий жиҳатдан ёритилиб, унинг асл моҳияти “соя” остига олинган эди.

Биргина жадидлар даврига назар ташласак, халқимиз маърифати, маданияти ва маънавияти учун улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз: Авлоний, Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби ўнлаб зиёлилар ўша давр мафкураси нуқтаи назаридан қораланиб, қатағон қилинди ҳамда турли юртларга сургунга юборилди.

Мустақиллик шарофати билан бундай аждодларимиз номи том маънода қайта тикланди. Ҳозирги кунга келиб, тарихимизни ҳаққоний ёритишимизга кенг имкониятлар очилди. Бу борада юртбошимизнинг шахсан ташаббуслари, фикр ва ғоялари билан кўрсатаётган эътибори айниқса, диққатга сазовордир. Юртбошимиз томонидан 1991 йилни буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номи билан аталиши, 1994 йилнинг Мирзо Улуғбек, 1996 йилнинг Амир Темур йили деб номланиши, бу борада олиб борилган маънавий ва маърифий ишлар фикримизнинг яққол далилидир.

1993 йилда юртбошимиз И.А.Каримов бир гуруҳ ижтимоий-гуманитар фан вакиллари билан бўлган учрашувда тарихимизни, ўзлигимизни қайта тиклаш борасида ўз кўрсатмаларини берди. Юртбошимиз бу борадаги ўз қарашлари билан ўртоқлашди. 1997 йилда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва 1998 йилда тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда шу соҳадаги кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор беришга, «ўзбек давлатчилиги тарихини» янада чуқурроқ ўрганиш борасида бир қатор кўрсатмаларини бердилар.

Юртбошимизнинг 1998 йилда чоп этилган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарида: «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади» - деган исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатни «давлат сиёсати даражасига кўтариш зарурлиги»ни таъкидлайдилар.

«Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир». Зеро, тарих халқ маънавиятининг асосидир. Бугунги кунда бизнинг тарихимиздан хабардор бўлган халқлар ва давлатлар нақадар буюк тарихга эга эканлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилишмоқда.

Президентимиз: «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур» - деб таъкидлайди. Юртбошимизнинг нафақат тарихий, балки бошқа кўплаб асарлари жамиятимизнинг бир қатор соҳалари ривожига ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз сиёсатида комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси - деб эълон қилинган. “Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”- деб таъкидлайдилар. Бир сўз билан айтганда ҳаққоний тарихни яратиш кенг жамоатчилигимиз учун муҳим ва долзарб масаладир. Бу борада Президентимиз асарлари услубий қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз, келажак йўқ . - Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.